



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойлига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги маҳкумлар:
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлатлар фуқаролари;
 - д) Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда 1 ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касаллигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида 1 ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ўшбу банднинг амал қилиши: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган, шунингдек, ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

2. Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасдан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин. Ўшбу банднинг амал қилиши: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўра кўра қадар қонуний кўчга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин. Ўшбу банднинг амал қилиши: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга; тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.ЙҮЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябр

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 12 октябр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди. Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон

Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани қўриб чиқишдан бошладилар.

» (2).



Пахта бўйича халқаро консултатив кўмитанинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган ушбу ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли анжуманлардан биридир.



Ўзбек пахта толаси жаҳон бозорида харидоргир

Тошкентда XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида келгуси йилнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ҳужжатлари бўлган — 2017 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган, жорий йилда макроеқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни, шунингдек, Давлат бюджетининг асосий параметрлари бажарилишини таъминлаган 2016 йилги ва келгуси йиллар учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича қўрилган тизимли чора-тадбирлар чуқур таҳлил қилинди.

» (2).

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2005 йилдан буюн аънаваний ўтказилаётган ярмарка «Ўзпахтасаноатэкспорт» ҳолдинг компанияси, «Ўзбекингилсаноат» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар-хомашё биржаси ва «Сифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро консултатив кўмита, «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлиги ва Халқаро тўқимачилик мақсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси сингари нуфузли ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозорида мунтазам ортомқда. Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилги дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2010 йилда 34 давлатдан 300 дан зиёд фирма ва компания мутахассислари иштирок этди. Бу йил анжуманга 40 дан зиёд давлатдан вакиллар қатнашмоқда. Айни вақтда ўзбек пахтасини етказиб бериш кўлами тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақалари қамраб олинмоқда.

«Ўзпахтасаноатэкспорт» ҳолдинг компанияси раиси А.Қамолов, «Ўзбекингилсаноат» акциядорлик жамияти раиси И.Ҳайдаров ва бошқалар Ўзбекистон жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, пахта ишлаб чиқариш бўйича давлат олтинчи, экспорт бўйича бешинчи ўринда туриши, экспорт имиджини мустаҳкамлаш учун кенг кўламли ишлар қилингани, жаҳон бозорида рақобат қучаяётган ҳозирги шaroитда ўзбек пахта толасининг рақобатбардорлигини янада ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

«Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер ўзбек пахта толаси халқаро стандартларга тўла жавоб бериши, тола ишлаб чиқариш даражаси барқарор сақланаётгани истеъмоилчиларга мақбул келаяётганини алоҳида қайд этди. 42 мамлакатни бирлаштирган Пахта бўйича халқаро консултатив кўмитанинг бошқарувчи директори А.Гитчунс эса дунё миқёсида катта аҳамиятга эга ушбу нуфузли пахта форумида бир неча йиллардан буюн иштирок этаётганидан мамнулигини билдириб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг йирик иштирокчиларидан бирига айланганини таъкидлади.

Ярмаркада иштирокчилар Ўзбекистонда янги ва истиқболли навларни яратиш, агротехника тадбирлари ва ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, пахта етиштиришдан уни тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган пахта саноатини янада ривожлантириш стратегияси билан танишиши имкониятига эга бўлади.

Ярмарканинг асосий воқеалари «ЎзэкспоМарказ» махсус павилонда ўтмоқда. Павилон халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиб, тармоққа оид барча маълумотни қамраб олган ахборот стендлари ўрнатилган. Анжуман қатнашчилари бу йил мамлакатимиз пахта заводларида ишлаб чиқарилган 650 туркум толаннинг намуналари билан танишиши ва сифат жиҳатидан ўз эҳтиёжларига мос тоиларни танила олиш имконига эга.

— Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси аънаваний тус олгани қувонарли ҳол, — дейди Россия саноат-савдо вазирининг ўринбосари Виктор Евтухов. — Ярмарка юқори савияда ташкил этилган, самарали ишлаш учун барча шарoит яратилган. Жорий йилда йирик миқдорда пахта толаси харид қилиш ва келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўшма корхона ташкил этиш ниятидамыз.

» (3).

Сайлов — 2016

Марказий сайлов комиссиясида учрашув

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюрос сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган Эҳтиёжларни баҳолаш комиссияси (ЭБМ) экспертлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов экспертларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Ўзбекистонда Президент сайловиغا тайёргарлик қилиш ҳамда ўтказиш очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Сайлов кампанияси билан боғлиқ барча материаллар Марказий сайлов комиссияси сайтыга жойлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда

округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси йиғилишлари он-лайн шаклда ўтказилмоқда.

ЭБМ экспертларининг фикрича, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни кузатиш юзасидан ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросига таклифноманинг ўз вақтида юборилгани халқаро сайлов стандартлари талабларига тўла мос келади.

Марказий сайлов комиссияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган

ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиллик билан такомиллаштирмоқда. Бунда халқаро кузатувчилар, хусусан, ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ўтган сайловлардаги кузатувчилари натижалари бўйича тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар, жумладан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти номзодини қўллаб-қувватлаш

учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фоздан 1 фозга камайtirилганини ижобий баҳолади.

ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш комиссияси экспертлари Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссияларидан вакиллари учун ўтказилган онлайн семинар-тренингларга ҳам юқори баҳо берди.

Учрашувда ЕХХТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Эҳтиёжларни баҳолаш комиссияси экспертлари фаолиятини самарали ташкил этиш, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Б.БОЗОРОВ,
УЗА мухбири

БУГУННИНГ НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

№(1).

Мажлис иштирокчилари таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз инсонпарварлигининг, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланганини, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислохотлар унинг мазмун-моҳиятини ақс эттиришининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Амнистия актининг айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамият касб этади, суд-ҳуқуқ тизими эркинлаштиришга қаратилган стратегик йўлнинг давоми саналади.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги қатор фуқароларни (айрим ҳечқовларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган.

Сенат қарори қўлланилиши тартиби белгиланиб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб берилмоқда. Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таомиллари очик-ошкоралигининг таъминлини устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Муайян тоифадаги шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан нафақат озод қилишни, балки уларни доволашни, ишга жойлаштиришни, шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳаётга мослаштиришни белгилаб берувчи бир қатор тадбирлар назарда тутилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «**Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифати, даражаси ва самардорлигини оширишга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир қафолатларни мустақамлаб қўйган ахлият ҳужжатдир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий хизматлар кўрсатиш самардорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган, ижтимоий хизматларга муҳтож аҳоли тоифалари аниқлаб берилган, уларни аниқлаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Қонунда, айниқса, таълим, ишга жойлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шакллари ҳамда турлари муҳим ўрин эгаллай-

ди, ушбу соҳадаги идоралараро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик масалалари тартибга солинмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларнинг, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг, тадбиркорлик субъектларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун нормаларининг рўйба чикарилиши ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жамоатчилик назорати учун очик бўлишини таъминлайди, нафақат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнини тартибга солишга, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилашга, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати ва самардорлигини оширишга, мамлакатда амалга оширилаётган кўламли ишларнинг ижтимоий сиёсат давом эттирилиши таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва парламентга киритилган «**Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Амалдаги қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар касабаси уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, қонуннинг амалда қўлланилиши амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган эскирган нормалар, қоидалар ва нуқсонларни бартараф этишга, фойдаланилаётган тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга, қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва худудлар даражасида касабаси уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Касаба уюшмалари органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларига сайланиши муносабати билан ишдан озод этилган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш қафолатлари кучайтирилди. Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касабаси уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида касабаси уюшмалари фаолияти эркинлигининг қафолатлини таъминлашга хизмат қилади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийлигини таъминлашга ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди. Ушбу қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амал қилиб турган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралда қабул қилинган «Аҳолининг ҳолатини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнат вазирлигига ўзгартирилди, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммаларига ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли-

нинг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш, имкониятлари чекланган шахсларнинг касбга ўқитилишини ташкил этиш ва инклюзив касбга ўқитишни ривожлантириш, Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаларига муҳтож оилаларга ҳамда фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлишини ҳамда тўлиқлигини устидан мониторинг олиб бориш вазифалари юклатилди. Шунингдек, ногиронлар ва кексалар учун мўлжалланган «Мурувват» ҳамда «Саховат» уй-интернатлари, Ногиронлар учун реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ҳамда пансионатлар, шунингдек, қатор таълим муассасалари Меҳнат вазирлиги тасарруфидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Қайд этилган фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, «Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратчилик қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг профлактив касаллик тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Парламент юқори палатаси вакиллари таъкидлаганларидек, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам беришга, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самардорлигини юксалтиришга кўмаклашади.

«Ветеринария тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Жиноят кодексига, Солиқ кодексига, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ветеринария тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этишга, қонун ҳужжатлари нормаларидаги атамалар ва тушунчаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятлар таҳлилини, динамикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда Жиноят кодексига фибрибарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу тузатишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазоланда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, ушбу соҳаларда жиноят содир этилишига қарши курашиш бўйича қўйиладиган чора-тадбирлар самардорлигини оширишга кўмаклашади.

Шунингдек, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бюджет ҳамда смета-штат интизоми соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни таснифлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётини мавжуд бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва бир хилда талқин этилишини таъминлашга, шунингдек, Бюджет кодексига айрим нормаларнинг ва жиноят тўғрисидаги ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмунигади тафовутларни бартараф этишга қаратилган ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгартишлар ҳам бюджет ва смета-штат интизомининг бузганлик учун жавобгарлигини янада эркинлаштиришга ва маъбуллаштиришга қаратилган. Жумладан,

шу соҳада фақат кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда содир этилган қилмишлар жиноий жавобгарликка, унча кўп бўлмаган миқдорда ёки анча миқдорда содир этилган қилмишлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Сенаторлар ушбу ўзгартишларнинг киритилиши бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлигини янада маъбуллаштиришга ва бюджет интизоминини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар «**Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касабаси уюшмаларига бирлашмиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Конвенция Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, ўз фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўйба чикариш ҳуқуқлари назарда тутилмоқда. Бирлашмиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунчилик йўли билан амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи давлат органлари аралаштиришдан ҳоли бўлиш кўзда тутилмоқда, ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашмиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишни қафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилмоқда.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ қилиниши таъкидладилар. Хусусан, фуқароларнинг касабаси уюшмаларига бирлашмиш ҳуқуқларининг конституциявий қафолатлари белгиланган бўлиб, бундай қафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатида, шу жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда 14 та тармоқ, 14 та худудий ва 37 миңдан ортиқ бирламчи касабаси уюшмаси ташкилотини бирлаштирувчи Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси 6,3 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифода қилади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касабаси уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касабаси уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини қафолатловчи 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида ақс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишини умумэтироф этилган нормаларига Ўзбекистон содиқ эканлигининг исботи бўлади, шунингдек, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омили бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қараганда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш учун кучли омили бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

№(1).

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 2017 йилги макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича тақлифлар муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Уларда ялпи ички маҳсулотни, инвестициялар, sanoat ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг жадал ўсиш суръатларини ҳамда нархларнинг умумий даражаси ўсишини сақлаш ҳисобига макроеқтисодий барқарорликка эришиш назарда тутилган.

Мажлисда 2017 йилда солиқ ва бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича солиқ маъмуриятини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг ва мақсадли бюджетдан ташқари фондларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашни, шунингдек, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини молиялаштиришнинг устуворлиги сақланишини назарда тутувчи тақлифлар бирма-бир кўриб чиқилди.

Солиқ юқини камайтириш бўйича энг муҳим чора-тадбирлар қаторида иқтисодиёт тармоқларига солиқ юқламасини сезиларли юмшатишдан айрим солиқ имтиёзлари амал қилиш мuddатини узайтириш назарда тутилган. Булар солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолинадиган маблағларни ўз фаолиятини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, ходимлар иш ҳақини ва инвесторлар даромадини оширишга йўналтириш имконини беради.

Қайд этиб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилиши келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юқини янада камайтиришни таъминлайди.

Мажлисда 2017 йилги Давлат бюджети ҳаражатларининг асосий параметрларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқилган Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий ҳаражатларни молиялаштиришга қарийб 60 фоиз маблағлар ажратилиши ушбу лойиҳада юқори ижтимоий йўналтирилганлик сақланиб қолгани қайд этиб ўтилди. Келгуси йилда бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдорларини янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базаси ва жиҳозланганлигини мустаҳкамлашга оид ишларни давом эттириш назарда тутилмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва худудлар раҳбарларининг эътибори ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантиришга ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлиги, инвестиция лойиҳаларини ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлардаги энг муҳим чора-тадбирларни молиялаштиришга қаратилди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимликлари раҳбарлари олдига иқтисодиётнинг барча тармоқлари қорхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини тизимли кўриб чиқиш ва мустаҳкамлаш, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни таъминлаш вазифаси қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликларига янги қорхоналарни ишга тушириш ва мавжуд қорхоналар фаолиятини кенгайтириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш ш ҳисобга-қувватлаш ҳисобига маҳаллий бюджет даромад қисмини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандликни ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳўкумати мажлисида 2017 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси параметрлари ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди.

Дастур лойиҳаси республика иқтисодиёт тармоқлари ва худудларида мавжуд ресурслар ва захираларни тўлиқ сифатда қилиш, жумладан, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасини модернизациялаш ва ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг бандлигини янада оширишни кўзда тутди.

Дастур лойиҳасининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини кўриб чиқиш давомида барча даражадаги ҳокимликлар, ҳўжалик бошқаруви органлари, қорхоналар, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, бандликни ошириш масалаларини амалда ҳал этиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда, шунингдек, ёшларни, энг аввало, 2016/2017 ўқув йилида касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Республика Ҳўкумати мажлисидаги муҳокамалар натижалари бўйича 2017 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари маъқулланди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Шахноза Музафаровна **Ахатова** ва Наргиза Билимиевна **Махкамова** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябр

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҲЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Дилшод Уринбаевич **Арипов**, Қобилжон Худойбердиевич **Комилов** ва Нодир Мухаммадиевич **Худояров** Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н.ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябр

Ўзбек пахта толаси жаҳон бозорида харидорғир



Ўзбекистон олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология тедамли хусусиятларга эга «Порлок» навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгартирилган киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қimmat сотилмоқда. Ҳозир бир қатор уруғчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларида «Порлок-1», «Порлок-2», «Порлок-3» ва «Порлок-4» янги гўза навларининг уруғлик чигити тайёрланмоқда.

— Биз 50 минг тонна аъло сифатли тола харид қилиш тўғрисида шартнома имзоладик, — дейди Бангладешдаги «Dsm Commodities Ltd.» компаниясининг вакили Фахру Раҳмон. — Музокаралар жараёни ҳамжихатлик руҳида ўтмоқда, сотиш шартлари барча халқаро стандартларга мос. Халқаро ярмаркада иштирокимиз жуда самарали бўлди, у янги алоқалар ўрнатди, янада фойдали битимларни амалга ошириш имконини берди. Компаниямиз ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Тадбир қатнашчилари ярмарка доирасида бўлиб ўтадиган анжуман ва давра суҳбатларида жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ва унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқда. Зеро, ярмаркада тола намуналаридан ташқари, тўқимачилик корхоналаримизнинг маҳсулотлари — калава, матола, тайёр буюмлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. Тўқимачилик ярмаркаси экспозицияси «Ўзэкспомарказ»нинг алоҳида павилонидан жой олган.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, юртимизда етиштирилган пахтадан юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётди. Мисол учун, 90-йилларнинг бошида тўқимачилик ва тикв-трикотаж маҳсулотлари экспортнинг умумий ҳажми 7 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, соҳада олиб борилган изчил ишловлар ва янги бозорларни эгаллаш ҳисобига бу кўрсаткич бир миллиард долларга етиб, тайёр

маҳсулотлар дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхоналар сони, инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқими кўпаймоқда, илгор технологияларни жорий этиш ҳисобидан ишлаб чиқариш чукр модернизация қилинмоқда. Бу яқин келажақда ўзбек толасининг ярмидан кўпини бевосита мамлакатимиз корхоналарида қайта ишлаш, пахтани экспорт қилишдан ташқари, жаҳон бозоридан пахтадан тайёрланган рақобатбардош тайёр маҳсулотларни сотишни кўпайтириш имконини беради.

Сўнгги йилларда ўзбек толаси тоифа ва микропейри бўйича энг сифатли, деб эътироф этилмоқда. Бу Биринчи Президентимиз Исрол Каримовнинг соҳага оид фармон ва қарорларининг бажарилиши натижасида амалга оширилган тарихий ўзгаришлар самардорлигининг ёрқин фойдасидир. Мамлакатимизнинг бу соҳадаги сиёса-

ти барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш, ўзбек пахтасининг минтақавий ва халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Пахта толасини энг илгор халқаро стандартлар асосида сертификатлаш билан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил бўлган, Европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси — «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази шугулланиб келмоқда. Юқори ликвидлиги билан ажралиб турувчи толамиз сифатини кафолатловчи мазкур марказнинг «Миллий маълумотлар базаси»да юртимиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқилган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

«Сифат» марказида тола намуналарини синовдан ўтказишда энг замонавий, юқори унумдорликка эга бўлган HVI 1000 тизимларидан фой-

даланилмоқда. Ушбу тизимлар ёрдамида толанинг барча хусусияти, жумладан, узунлиги, пишқиллиги, оклик даражаси, микропейри, калта толалар улуши, узунлик бўйича бирхиллиги, эластиклиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар орқали толанинг йиғирувчанлик қобилиятини аниқлаш мумкин.

— Сифат кўрсаткичи билан бир вақтда толанинг тозаллиги ҳам яхшиланилмоқда, — дейди «Сифат» маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бойхонов. — Бу замонавий автоматлаштирилган тўқимачилик фабрикалари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўзбек пахта толаларининг ўртача узунлиги ҳамда узунлик бўйича бирхиллиги сезиларли равишда юқори кўрсаткичларга эга.

Соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, янгилашилган эвазига пахта селекцияси ва уни етиштиришдан толали сертификатлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар энг илгор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Гўза селекциясида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида селекционер олимларимиз гўзанинг 110 дан зиёд навини яратди. Улардан 30 дан ортиғи Давлат реестрига киритилган.

Ўзбекистон олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Мазкур технология тедамли хусусиятларга эга «Порлок» навлари туркумини яратиш имконини берди. Бунинг самарасида мамлакатимизда янги нав толасини сотиш учун нархлар тарификациясига ўзгартирилган киритилди ва ушбу тола бошқа навларга қараганда 12 фоиз қimmat сотилмоқда. Ҳозир бир қатор уруғчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларида «Порлок-1», «Порлок-2», «Порлок-3» ва «Порлок-4» янги гўза навларининг уруғлик чигити тайёрланмоқда.

Бу йилги халқаро ярмарка доирасида, аввалгиларидан фарқи ўлароқ, «Пахта саноатининг ривожланиши ва жаҳон бозорида Ўзбек пахта толаси рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари», «Тўқимачилик тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш — экспорт имкониятлари ортишининг муҳим омилли», «Пахта ва тўқимачилик тармақларида илмий ва технологик янгиликлар» каби мавзуларда учта секцияга бўлинган ҳолда ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ярмарка доирасида иштирокчилар «Тошкент-тола» пахта терминали, Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон» пахтани қайта ишлаш заводи, «UzteksChirchiq» қўшма корхонасида бўлиб, мамлакатимиз пахтачилик секторига амалга оширилган изчил ишловлар самаралари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Енгил саноат салохияти, жумладан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турфа либослар намойиши ҳам режалаштирилган.

ХИ Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқуллов сўзга чиқди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири



ЎзА суратлари.

Самарқанд вилоятида пахта йиғим-теримидеги иштирок этайтган теримчиларга қулай ва хавфсиз меҳнат ҳамда етарлича дам олиш шароитлари яратиб берилган.



Далага кўчган хизматлар

Хусусан, масъулиятли мавсумда механизатор, фермер хўжалиги ишчилари ҳамда теримчиларга зарур шарт-шароитларни яратиш, сифатли маший ва маданий хизмат кўрсатишга доир тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, айни чоғда вилоятдаги савдо корхоналарига қарашли юздан ортиқ кўчма автодўконлар пахтакорлар хизматида.

Теримчиларга махсус автодўконлар орқали 32 турдаги зарур маший буюмлар, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилмоқда.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан дала меҳнатқашларининг марокли ҳордиқ чиқаришини ташкил этишга доир тадбирлар ўтказиш, илгорларни рағбатлантириш чора-тадбирлари белгилаб олинган бўлиб, теримчиларнинг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, илгор теримчилар рағбатлантириб борилаётди.

— Теримчиларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазаси, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши борасида қасба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда, — дейди вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдураҳимов.

Бу жараёнда Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар қўл келмоқда.

Жорий йилда 88 минг 700 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилини қисқа фурсатларда териб олишни режалаштирган вилоят деҳқонлари яратилаётган шароитлардан маннун.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сайлов — 2016

«Мен ҳам овоз бераман»

Сайловлар — демократиянинг асосий кўриниши бўлиб, бу айни вақтда қабул қилинган қонуналарнинг қай даражада демократик қўлга эга бўлаётганини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади. Зеро, жаҳон стандартларига тўла мос келадиган, халқаро сайлов принципларига жавоб берадиган сайловга халқнинг ҳошиш-иродасини рўёбга чиқара олади.

Жорий йилнинг 4 декабр куни юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Сайловчилар орасида биринчи бор иштирок этайтган ёшларимиз талайгина.

— Бу не саодатки, бу йил мен биринчи марта сайловда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб турибман. Аслида, бу ўта масъулиятли вазифа бўлиб, сайловни бир иморатга қиёс қилсак, менинг овозим унга қўйилган бир гишт, деб ўйлайман. Иморатнинг бутлигига эса ҳар биримиз жавобгармиз, — дейди Жиззага тумани маънавий касб-ҳунар коллежи талабаси Махлиё Муродқосимова.

— Айтишлик, мен сайловда қатнашмадим. Демак, мен ҳеч қандай сиёсий жараён иштирокчисига айланмадим. «Шунча одамлар қатнашапти-ку, мен бормасам, ҳеч нима қилмайди», деб ўйласам жуда катта хатога йўл қўйган бўламан. Ўзимнинг жуда муҳим ҳуқуқимдан фойдаланмаган, бошқача айтганда, ушбу ҳуқуқдан ўзимни ўзим махрум этган бўламан. Бунга ҳар биримиз ич-ичимиздан чукр ўйлаб қуришимиз керак. Шу боис мен сайловни фахр-ифтихор ва орзиқчи билан қутяпман.

Кумуш ҲАМРОЕВА



Наманган шаҳридаги «Model royabzal savdo» масъулияти чекланган жамиятида болалар ва катталар учун 150 дан ортиқ турдаги мавсумий оёқ кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

— «Амир» савдо белгиси билан сотувага чиқарилаётган маҳсулотларимизга ички бозорда талаб ортмоқда, — дейди корхона раҳбари Абдулҳамид Аҳмаджонов. — Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва экспортни йўлга қўйиш устида изланишлар олиб бормоқдамиз.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат.

Давра суҳбати

Авал хабар қилганимиздек, Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудларида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари, матбуот ходимлари иштирок этди.

Меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда

КОРАКАЛПОГИСТОН Республикасида мазкур санага бағишланган давра суҳбатини қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Муротбой Данияров олиб борди.

— Кархона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим ўз меҳнатининг муносиб тарзда муҳофазаланишини талаб этишга ҳақли, — деди бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Пўлат Абдиязов. — Қасба уюшмаларининг вазифаси эса меҳнатқашларга қулай ва яхши шароит яратиб беришда иш берувчилар билан ҳамкорликда фаолият юритишдан иборат.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон ҳудудий бошқармаси бўлими мудири Қувонийшбой Азербайевнинг «Иш берувчиларнинг ижтимоий жавобгарлигини ошириш омиллари» ҳамда республика Меҳнат вазирлиги бўлим мудири Аббас Камаловнинг «Янги иш ўринларини ташкил этиш ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар» мавзусидаги маърузалари тинланди.

Давра суҳбатида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

НАВОИЙ вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатини бирлашма кенгаши раиси Н.Тоғаева кириш сўзи билан очди. Бирлашма бўлим мудири Ф.Раҳимова «Қасба уюшмаларининг муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишдаги фаолияти» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, меҳнат бош бошқармаси вакили Ф.Болиев, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи З.Шарифжонов ҳамда бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлим мудири Ч.Қодиров мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбати савол-жавобларга бой тарзда кечди.

ФАРФОНА вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган давра суҳбатини вилоятдаги ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи, меҳнатини муҳофазалашга оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбирда сўзга чиққан кенгаш раиси Т.Саримсоков жорий йилда бирлашма томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхтади. Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 150 та чет эл инвестицияси иштирокчидаги корхона ва ташкилотларнинг 50 фоиздан ортиғида қасба уюшмалари тузилган бўлиб, уларда меҳнат муносабатлари жамоа шартномалари орқали тартибга солиб келинмоқда.

Йил давомида 600 минг нафардан зиёд ходимнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинди. Уларга муносиб меҳнат шароитини яратиб бериш, саломатлигини тиклаш учун етарлича қулайликлар яратилди, «Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, турли маънавий жиҳозлар билан таъминланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ўз мухбирларимиз

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибига ўтказилган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2016 йил 18 октябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ўтказилган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.03.2016 йилдаги 10-1620/532-сонли хал қулуғи қарорига асосан банкрот деб топилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Кауа Текстиль» хорижий корхонаси кредиторларининг 23.09.2016 йилдаги йиғилиш баёғига ва тугатиш бошқарувчисининг 26.09.2016 йилдаги 49-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобиди Тошкент шаҳар, М.Улғабек тумани, Мирфоссов кўчаси 50-уй манзилида жойлашган умумий майдони 273,0 кв.метр, фойдалани майдони 253,0 кв.метрдан иборат омборхона биноси тақрибан қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси 65 000 000 (Олтими беш миллион) сўм.

Талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2016 йил 27 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш қулилари 2016 йил 18 октябр кундаги савдо учун 2016 йил 17 октябр кунга қадар, 2016 йил 27 октябрдаги савдо учун 2016 йил 26 октябр кунга қадар (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушириш).

Аукцион савдоси солиғига 20 кун муддатда олдин-сўнги шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истағида бўлган талабдорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдоридида закалат пулининг тўлашлари ҳамда жиёмнинг шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ, x/p: 2020800700234536001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокчида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Корхона тугатиш/суд бошқарувчиси тел рақами: 0(371) 276-20-67, (03) 541-19-55

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МЧЖ

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Лицензия: RR-0170. Тел: 0(371) 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc_group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент Давлат Тиббиёт Олийгоҳи томонидан 1992 йилда Тураев Абдумуталиб Мамажонович номига Берилган Санитар-врач эпидимолог мутахассислиги бўйича ЦВ №781517, 1196 регистрация рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман БТИ томонидан Элибоев Шухрат Бегмуратович номига Чилонзор тумани, Алгоритм 16-уй, 603-хонадон учун берилган уй плани ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, Чилонзор 5-36-35 хонадон эгаси Романова Александра Николаевна номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш Бош бошқармаси томонидан берилган 29.01.1993 йил №08-01/19737 рақамли уй-жойини шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасба уюшмаси Сардоба туман кенгаши жамоаси таниқли шоир, қасба уюшма фабрикаси Мирза ҚАЙНАРОВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чукр таъзия билдиради.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Истиқлол ғунчалари

Моцартнинг фарғоналик издоши



Маҳобатли санъат кошонаси. Фортепианодан янграётган мўъжизакор оҳанг қалбнигизда гўзал хотираларга қанот бахш этади. Куй ижрочиси Успенский номидаги республика академик лицейи ўқувчиси Абдуллаҳон Хафиззонов. Клавишлар устида эркин ҳаракатланаётган бармоқлар беихтиёр ҳавас уйғотади. Куйни тинглаб доврўғи дунёга дoston бастакор Амадей Моцарт ёдга тушади.

Марқанд харобалари олдида» туркумидаги куйларни маҳорат билан ижро қилиб, ўз устунлигини намоён этди. Мутахассислар унинг қобилиятини юқори баҳолашди.

— Зафарли лаҳзалардан сўнг юракда юксак ишонч ўйғонади. Янада каттароқ ишларни қойиллатгинг келади. Халқаро саҳналардаги тақдирловлардан сўнг доимо шунга интиламан, — дейди Абдуллаҳон Хафиззонов. — Франция ва Италия кўчаларини сайр қилаётиб Фарғонани, азиз Ўзбекистонимизни эсладим ва шундай юртда туғилганимга шукрона келтирдим. Пианино клавишларини босган чоғ ҳамиша ортимда ота-онам ва устозларим, Ватаним мени кузатиб турганини хис этаман. Аслида, барча ютуқлар ҳукуматимизнинг биз ёш авлодларга кўрсатган юксак ғамхўрлиги ва чекисиз имкониятлар туфайлидир.

Ёш бастакор ҳам шундай тугаса-да, хонадаги оҳанрабо куйлар ҳаллимиздан узоқ вақтгача кетмади. Амадей Моцартнинг фарғоналик издоши тез орада дилга яқин куйлари ила минглаб қалбларга кириб боришига ишончимиз комил.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

Моцарт каби ёш истеъдод соҳиблари бугун юртимизда кўплаб топилди. Уларни чи-накам бахтиёр авлод дейиш мумкин. Истеъдодли пианиночи Абдуллаҳон Хафиззонов шулардан бири. Истиқлол барча тенгдошлари қатори унинг ҳам истеъдодини кашф этди. Абдуллаҳон ораси Назокат билан бирга Фарғона шаҳридаги 2-болалар мусика ва санъат мактабида фортепиано чалишни ўргана бошлаганида жуда кичкина эди. Мусикасевар опа-ука мураббий Галина Куликованинг сабоқларидан баҳраманд бўлиб камол топди. Айтишлари-ча, Абдуллаҳон шу кунга қадар 50 дан зиёд оҳанг ижросини ўзлаштирди. Табиийки, бу ўрганиш ва захматлар

унинг эришган ютуқларида ҳам намоён бўлди. 2014 йилда Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган XII Николай Рубинштейн номи халқаро пианиночилар танловида 2-ўринни, ораси Назокат 3-ўринни эгаллади. Кейинги синовлар янада жиддий кечди. Абдуллаҳон Италиянинг Барлетто шаҳрида ташкил этилган «Citta di Barletta» халқаро пианиночилар кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади ҳамда «Энг яхши миллий асар ижроси учун» номинацияси бўйича Гран-прини кўлга киритди. Қўшалоқ муваффақиятга эришиш учун ёш мусикачи саҳнада анча-мунча тер тўкишга тўғри келди. Қолаверса, 21 давлатдан ташриф буорган мусикачиларни шунчаки бир истеъдод эгаси деб бўлмасди. Шунга муносиб равишда А.Хафиззонов Шопеннинг «Экспрент 1», Д.Омонуллаеванинг «Са-

РЕКЛАМА ҲРИДА

Молия муассасаларида

Бугунги талаба — эртанги мутахассис



Жонажон Ўзбекистонимизнинг ёруғ истиқболли толеи нурли фарзандларимиз тимсолида кўраимиз. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб ўлгайиши учун барча зарур шарт-шароит маъхуд, ва албатта, ўғил-қизларимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини амалда намоён этишларига кенг имконият, имтиёзлар яратиб берилмоқда. Буни теран англаган ёшларимиз ҳар соҳада фаол ва ташаббус кўрсатаётганлиги барчамизга мамнулик бағишлайди.

Айниқса, банк-молия муассасалари томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини ҳаётига татбиқ этиш ҳамда молиялаштириш, ёш оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, олий ўқув юрларида таълим олаётган ўғил-қизларимизга яқиндан кўмак бериш ва шу мақсадда ипотека, истеъмо ва таълим кредитларининг ажратилаётгани келажакимиз эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифода-сидир.



Жумладан, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ёшларнинг замонавий таълим олишига яқиндан кўмак бериб келмоқда. Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига қадар 34,2 миллиард сўм таълим кредит маблағи йўналтирилди. Натижада ушбу имтиёздан 7290 нафар талаба ёшлар фойдаланди. Шу жараёнда «Агробанк» АТБ-нинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан ҳам кенг қўламадаги ишлар олиб борилаётган. Жумладан, банк бошқармаси томонидан олий таълим муассасасида тахсил олаётган 207 талабага жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 1 миллиард сўмга яқин таълим кредитлари ажратилди. Бу эса ёшларимизнинг олий ўқув юрларида ўзи танлаган мутахассисликлар бўйича замонавий ва сифатли таълим олишига кенг имкониятлар яратмоқда.

— Инсон ҳаётида тўқис ва фаровон яшашни орау қилади. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Тинимсиз меҳнат ва излашни талаб этади, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Муҳаррам Рўзимитова. — Мен ҳам шу қондага амал қилган ҳолда устозларим кўмагидан билим ва кўникмаларни мукам-мийа талабаси Адҳам Баймаев. — Ташкент тиббиёт академиясига тўлов контракт асосида ўқишга кирдим. Ҳақиқатан ҳам бошланғич ўқув фақатгина бўлганда ҳам, Гулистон давлат университетида тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилиндим. Давлатимиз томонидан биз ёшлар келажакини ўйлаб барча имконият яратиб берилган. Айниқса, таълим кредитининг жорий этилганлиги қувонарлидир. Бу улкан ғамхўрлик ёшларимизни янги марраларга чорламоқда. Албатта, шу ўринда «Агробанк» АТБнинг Гулистон ҳудудий филиали ходимларига миннатдорлик билдираман. Чунки, банк томонидан ажратилган таълим кредити менга қанот бахш этди.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан юртимиз ёшлари ҳар соҳада истеъдод ва маҳоратларини намоён этишга ҳаракат қилмоқда, — дейди Ташкент тиббиёт акаде-

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ
Хизматлар лицензияланган.

Маданият

Ўзбекистон Фанлар академиясида Бангладеш Республикаси Элчихонаси, «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, ЎзФА бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида шоир Қозӣ Насрул Исом ҳаёти ва ижодида бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Узилмас ришталар

Унда бир қатор давлатларнинг юртимиздаги элчилари ва элчихона вакиллари, «Ўзбекистон-Ҳиндистон» дўстлик жамияти аъзолари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Шарқшунослик институти ходимлари, бошланғич қасаба уюшма кўмитаси раислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар янада кенгроқ мазмун касб этиб, ҳамкорлик ришталари изчил ривож топётганлигини таъкидладилар. Анжуманда Қозӣ Насрул Исом шеърларининг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан қилинган таржумаларидан намуналар ўқиди.

Шерзод ЖЎРАЕВ,
ЎзФА бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси

Мулоҳаза

Аллома боболаримиз азалдан сўзга, тилга миллат тақдирини ҳал қилувчи бирламчи омил сифатида қарашган. Чунки тил инсоннинг, миллатнинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган ойнадир. Бу кўзгуни ораста тутуш, асраб-авайлаш ҳар бир миллат фарзандининг бурчи ҳисобланади.

«Тил — ўтмиш, тил — бугун, тил — бу истиқбол...»

Ўзбек тили нихоятда гўзал ва бой. Ундаги латофат, бетакрор жозоба, айниқса, адабий тилимиз ва унинг асоси бўлган шеърларда яққол кўринади. Олимларнинг фикрича, киши ўз она тилини яхши билса, қўшқ тилларни чуқур эгаллай олар экан.

Ўз-ўзидан англашиладики, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, ўзбекчада раван сўзлаш олиши лозим. Бу бир жиҳатдан эл-юртга меҳр-муҳаббатни, бошқа томондан маданий савияни кўрсатади. Гоҳида баъзи ёшларнинг: «Менга ўзбекча гапириш бирам қийин...», «Ўзбекчаси қандай эди?», «Мен ўзбекман, лекин тил...» каби гаплари қулққа чалинади. Бу бепишандликми ёки эътиборсизлик? Эҳтимол, барчаси таълим ва тарбияга алоқадордир... Наҳотки, киши ўз юртида яшаб туриб, ўз тилида мулоқотга киришишга қийналаса?... Эҳтимол, чет элда йиллаб сафарда ё ўқишда юрган бўлса, узрли топилар. Аслида, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини ҳурмат қилган одам «мен»ига содиқ қолади. Ҳалики ва «мен» эса она тилда, миллий урф-одат ва маданиятда муҳассамдир.

«Тилга эътибор — элга эътибор» дейдилар. Оддий мисол. Гоҳида хоржий меҳмонлар тилимизда, гарчанд раван бўлмаса ҳам, биргина «салом» деб қолса, бошимиз кўкка етади. Тилла топгандек қувониб кетамиз. Чунки бизга нисбатан ҳурмат билдирилганини ҳис этамиз...

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги фармонида биноан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил топди. Фармон тарихий аҳамият касб этади. Келгусида ўзбек тилининг қадр-қимматини янада юксак поғонага кўтариш учун асос бўлади. Фармонда «Ўзбек тили ва адабиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш» университетининг асосий вазифаларидан экани белгиланган.

Демак, сўзшунослар — тилшунослар ва адабиётшунослар тилимиз тарққиети йўлида янада жиддий ишлаши, уни янада бойитиши ва дунёга танитиши талаб этилади.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон барча учун бирдек азиз бўлган она тилига шеърый таъриф бериб, шундай ёзган эди:

**Она тил! У бизга маъбад бетимсол,
Ҳар бир миллат учун ўз тили она!
Тил — ўтмиш, тил — бугун, тил — бу истиқбол,
Тил — она халқингдан нурли нишона...**

Ҳақиқатан, тил халқнинг маъжудлигидан нишона, айна вақтда у учун бамисоли онадир.

Соҳиба КАРИМОВА,
ТошДУТАУ талабаси

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазириликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш., ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
- йил кашфиёти;
- маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
- журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг Ф.И.Ш.-нинг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтнинг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтта кундалик ташриф буорувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг гоъвий-бадий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти — жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари Ф.И.Ш. матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизми, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шакланган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайжестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланки тақдим этилади. Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига соврилар:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябргача «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba silarida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri tabiiyot nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUQULARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-90) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
N.Mahomov
Musahhirl:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abduljollilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hojmi 2 bosma taboq. Buyurtma T — 1015. 13619 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 22:00
Topshirildi — 00:40

1 2 3 4 5 6

Taxrirovchi xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATBIS «Innoteka» banki: Yashlovchi filiallari, bank kodlari: 00959, STIP: 201133889, OKNOS: 07100